



**СТРЕПТОЗОТОЦИН ДИАБЕТДА КАЛАМУШ
ЖИГАРИГА ПОЛИФЕНОЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

Сафаров Диёр

Бахронова Сабрина

Махматкулова Азиза

Курбонов Н

Илмий раҳбар: Анестезиология,
реанимация и шошилинич тиббий

ердам кафедра ассистенти

Самарканд давлат тиббиёт

Институти. Ўзбекистан, Самарқанд

Ишнинг мақсади. Стрептозотоцин (СТЗ) диабетда каламуш жигар митохондрияси мембраналари пассив ион ўтказувчанлигига госситан ваПС-5 полифенолининг таъсирини *in vivo* тажрибаларда ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тажрибалар вазни 180-200 гр бўлган эркак, оқкаламушларда олиб борилди. Тажриба ҳайвонларида диабет чақиритиш учун бир кунлик очликдан сўнг бир марта СТЗ 50 мг/кг (0,1 моль/л цитрат буфери, рН 4,5) эритмасини қорин бўшлиғи тери ости соҳасига юборилди. Тажриба ҳайвонлари 4



гурухга ажратилди: I – интакт, 0,2 мл/100 мг миқдорда физиологик эритмадан бир марта инъекция қилинди (n=6); II – назорат, СТЗ диабет (n=6); III – тажриба, СТЗ диабет + госситан 10 мг/кг (n=6); IV – тажриба, СТЗ диабет + ПС-5 1,0 мг/кг (n=6). Каламуш жигар митохондриялари дифференциал центрифугалаш Шнейдер усули бўйича ажратилди. Жигар митохондриялари ички мембранасининг пассив ион ўтказувчанлигини K^+ ва Na^+ ионлари учун тегишли металлларнинг нитратли тузларидан тайёрланганизоосмотик муҳитларидан, H^+ иони учун эса аммоний нитратли изоосмотик муҳитидан фойдаланилди.

Олинган натижаларга кўра, KNO_3 , $NaNO_3$ ва NH_4NO_3 тузларининг изоосмотик муҳитларда, интакт гурухига нисбатан СТЗ-диабет билан чақирилган II гуруҳ каламуш жигар митохондриялари ўтказувчанлигининг кескин ортиши аниқланди. Диабет модели чақирилган III ва IV гуруҳ ҳайвонларини госситан ва ПС-5 полифеноллари билан 8 кунфармакотерапия қилиниши натижасида уларнинг пассив ўтказувчанлиги қайта тикланганлиги аниқланди. Олинган натижалардан шундай хулосага келиш мумкинки, диабет моделида қондаги глюкоза миқдорини ортиши жигар ҳужайраларини, жумладан, митохондрия мембрана тизимларини ҳамзарарланишига олиб келади. Бунга сабаб эса қонда ва инсулинга сезгир бўлмаган тўқималарда глюкоза миқдорининг ошиши, доимий равишда эркинрадикалларни юзага келишига сабаб бўлади, улар эса ҳужайра органоидларининг липид, оксил ва бошқа компонентларига зарар етказди ҳамда мембраналарда дестабилизация жараёнларини кучайтиради. Митохондрияларда ионларнинг пассив транспорти кучайиши, оксидланишли фосфорланишнинг қисман ажралиши билан намоён бўлади. Қандли диабетда бу каби зарарланишлар даражасини камайтирувчи гипогликемик фаолликка эга бўлган госситан ва ПС-5нинг коррекцияловчи таъсири, уларнинг митохондриялардаги оксидланишни фосфорланиш жараёнини ва антиоксидант ҳимоятизимини тиклаши билан изохлаш мумкин

**Адабиетлар:**

1. Азимова, А. А., Абдухоликов, С. Х., &Бозоров, Х. М. (2023). ОСЛОЖНЕНИЕ ГЛЮКОКОРТИКОИДНОЙ ТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19. ББК 5я431 М42 Печатается по решению Редакционно-издательского совета Государственного гуманитарно-технологического университета, 18.
2. АЗИМОВА, А. А., &МАЛИКОВ, Д. И. (2022). ПОВРЕЖДЕНИИ МЯГКОТКАНЫХ СТРУКТУР КОЛЕННОГО СУСТАВА И УЛЬТРАЗВУКОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ. МОЛОДЕЖНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Воронежский государственный медицинский университет имени НН Бурденко, 11(2), 10-13.
3. Азимова, А. А., Маликов, Д. И., &Шайкулов, Х. Ш. (2021). МОНИТИРОИНГ ЭТИОЛОГИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ СЕПСИСА ЗА. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 48.
4. Азимова, А. А., &Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).
5. Furkatovna, A. M. (2024). Contemporary Perspectives on Menopause the Role of Vitamin D and Bone Mineral Density in the Development of Climacteric Syndrome. EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE, 4(2), 218-221.
6. Nomozov, P., & Amonova, M. (2024). ВЛИЯНИЕ СОДЕРЖАНИЯ ВИТАМИНА Д НА ПОКАЗАТЕЛИ МИНЕРАЛЬНОЙ ПЛОТНОСТИ КОСТНОЙ ТКАНИ У ЖЕНЩИН В МЕНОПАУЗЕ. Modern Science and Research, 3(1), 530-531.
7. Furkatovna, A. M. (2024). Risk Factors of Urogenital Disorders in Menopausal Women. EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE, 4(2), 78-83.
8. Amonova, M., & Вахронova, S. (2024). CARACTÉRISTIQUES CLINIQUES, MORPHOLOGIQUES ET MOLÉCULAIRES DE L'ENDOMÉTRITE CHRONIQUE CHEZ LES FEMMES INFERTILES. Modern Science and Research, 3(10), 340-344.